



2020 у « 12 » май

№ К-918

« » 20 г

“Туман маҳаллий бюджетидан маблағ билан таъминладиган бюджет муассасаларининг тасдиқланган харажатлар режасига ўзгартириш киритиш тўғрисида”

Ўзбекистон Республикаси “Бюджет кодекси”нинг 145-моддаси, Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 9 декабрдаги ЎРҚ-589-сон Қонунининг 8 моддаси, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 30 декабрдаги ПҚ-4555-сон қарорига асосан ҳамда туман молия бўлимининг 2020 йил 2 апрелдаги 01-22-226/20-01-35/156-сонли хатини инобатга олиб,

Қ А Р О Р Қ И Л А М А Н

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 30 декабрдаги ПҚ-4555-сон қарорига асосан туман маҳаллий бюджетидан маблағ билан таъминладиган бюджет муассасаларининг 2020 йил 1 февралдан бюджет муассасалари ва ташкилотлари ходимларининг иш ҳақи, пенсиялар, стипендиялар, нафақалар ҳамда кам таъминланган оилаларга бериладиган моддий ёрдам миқдори 1,07 баробарга оширилганлигини муносабати билан жорий йилнинг 1 апрелидан харажатлар режасига 1-иловага мувофиқ тегишли ўзгартиришлар киритишга рухсат этилсин.

2. Туман Молия бўлими (А.Қувондиқов)га 2020 йил бюджет ижросини сифатли амалга ошириш ва кредиторлик қарздорликка йўл қўймаслик мақсадида туман маҳаллий бюджетидан маблағ олувчи бюджет муассасаларининг 2020 йил харажатлар режасига тегишли ўзгартиришлар киритиш вазифаси юклатилсин.

3. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш туман ҳокимининг биринчи ўринбосари Иқтисодий тараккиёт ва камбағалликни қисқартириш бўлими бошлиғи Ж.Норқулов зиммасига юклатилсин.

Туман ҳокими



Ҳудойберганов